

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1223-ҳадис

1223 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «عَشْرٌ مِنَ الْفِطْرِ: قَصُّ الشَّارِبِ، وَإِعْقَاءُ اللَّحْيَةِ، وَالسِّوَاكُ، وَاسْتِنْشَاقُ الْمَاءِ، وَقَصُّ الْأُظْفَارِ، وَغَسْلُ الْبَرَاجِمِ، وَتَنْفُ الْإِبْطِ، وَحَلْقُ الْعَانَةِ، وَانْتِقَاصُ الْمَاءِ» قَالَ الرَّائِي: وَنَسِيتُ الْعَاشِرَةَ إِلَّا أَنَّ تَكُونَ الْمَضْمَضَةَ. قَالَ كَيْعُ - وَهُوَ أَحَدُ رُؤَاتِهِ - □: (انْتِقَاصُ الْمَاءِ)، يَعْنِي: الْإِسْتِنْجَاءَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [261].

«الْبَرَاجِمُ» بِالْبَاءِ الْمُوَحَّدَةِ وَالْجِيمِ، وَهِيَ: «عُقْدُ الْأَصَابِعِ»، «وَإِعْقَاءُ اللَّحْيَةِ» مَعْنَاهُ: لَا يَقْصُ مِنْهَا شَيْئًا.

1223. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Ўн нарсa фитратдан (соф табиатдан)дир; мўйлабни қисқартириш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни олиш, бўғинларнинг бужмайган жойларини ювиш, қўлтиқ (туки)ни юлиш, қовуқ (туки)ни қириш, истинжо қилиш ва ровий (Мисъаб), ўнинчисини унутдим, оғизни чайиш бўлса керак», деди».

Ровийлардан бири Вакеъ ҳадиснинг матнидаги “интиқосул ма`и” «Сувни кесиш», яъни истинжо, деб айтди.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Уламолар «сувни кесиш» деганда истинжо қилиш ёки пешобнинг қолдиқларини сув билан ювиб ташлаш ёхуд васвасани даф қилиш учун сув

сепиш назарда тутилганлигини айтишган.

Ислом бундоқ ишларни «Фитрат суннатлари» – Аллоҳ таоло инсонни яратгандаги соф табиат ва Аллоҳ таоло инсонларга юборган соф динлар суннати, деб номлаган.

Қаранг, номлашда ҳам қанча фарқ бор. Исломий номлаш инсоннинг Роббисининг кўрсатмаси ила бўлган. Ғарбий номлаш бўлса, маданиятни кечикиб англаган инсоннинг ўз фикридан чиққандир. Шунинг учун ҳам икки ном ўртасида осмон билан ерчалик фарқ бор.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олдин «фитрат суннатлари» ўнта эканини эълон қилиб қўйиб, кейин уларни бирма-бир номлаб чиқмоқдалар.

1. «Мўйлабни қисқартириш, қайчилаш»

Яъни, мўйлабнинг лаб устига ўсиб тушган қисми қирқилиб, лабнинг қизғиш қисми яхшилаб очилиши, унга мўйлабнинг туклари тушмаслиги керак. Шунингдек, бошқа тарафларга қараб ўсган, тартибсиз бўлиб кетадиган туклари ҳам қирқилиб турилади.

2. «Соқолни ўстириш»

Яъни, соқолни мўйлабга ўхшатиб қирқиб турилмайди, унинг узун бўлишига қўйиб берилади. Аммо узунлиги қанча миқдоргачалиги ҳақида бир оз ихтилоф бўлган. Ўша ихтилофнинг ашаддийлашган кўриниши ҳозир ҳам баъзи-баъзида зоҳир бўлиб туради.

Ҳанбалий мазҳаби асосида ўз фикрлари билан ижтиҳод қиладиган гуруҳлар соқолга умуман тиғ теккизиш мумкин эмас, дейдилар. Улар ўзларининг бу гапларига ушбу лафзни ва яна шу маънога яқин ҳадиси шарифларни далил қилиб келтирадилар. Бу масаланинг тафсилотини кейинги ҳадисда ўрганамиз.

3. «Мисвок»

Яъни, тишни ва оғизни тозалаб юриш. Бу масалани юқорида ўрганилди.

4. «Бурунга сув олиб тозалаш»

Буруннинг инсон ҳаётида тутган ўрнини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шундоқ муҳим аъзони яхшилаб, озода ҳолда тутиш ҳар бир мусулмон учун диний мажбуриятдир. Ҳар таҳоратда бурунга яхшилаб сув олиб, ичкарисига тортиб, сўнгра чиқариб ташлашни уч марта қилиш бор. Бу билан бурунга кириб қолган турли зарарли чанг-ғубор ва микроблар чиқарилиб юборилади ва инсон соғлиги учун муҳим иш амалга оширилади.

Яқинда олимлар бу борада илмий тажриба ўтказдилар. Бунинг учун бир гуруҳ намозхон ва бир гуруҳ бенамоз одамларни, яъни, бурнини доимо тозалаб юрадиган ва тозаламайдиган одамларни олдилар ва уларнинг бурунлари ичини ўрганиб чиқдилар. Намозхонларнинг бурунлари тоза, ичида соғликлари учун зарарли нарсалар йўқлиги маълум бўлди. Бенамозларнинг бурунлари ичидан эса турли микроблар чиқди. Уларни исмлари ва миқдори рўйхатини туздилар. Сўнгра бурнини тозаламайдиганларда мавжуд беморликлар рўйхати тузилди. Бурнини тозалайдиганлар бу беморликлардан фориғ эканлиги аён бўлди. Агар гап чўзилиб кетиши истиҳоласини қилмаганимизда илмий нашрлардан бирида чоп этилган мақолани тўла таржима қилиб, мазкур китобга киритган бўлардик.

Биргина шу мисолнинг ўзидан ҳам Исломи динимиз қанчалик улуғ дин эканини англаб олиш мумкин, деб ўйлаймиз.

5. «Тирноқларни қисқартиш»

Бу ҳам инсоннинг соф табиати талаб қиладиган нарсаси. Тирноқни вақти-вақти ила қисқартиб турмаса бўлмайди. Тирноқ ўсганда тагига кир тўпланadi. Бу нарсаси турли касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, тирноқни ўстириб юришнинг бошқа зарарлари ҳам бор. Фақатгина табиати бузуқ маданият тирноқни ўстириб юриш маданиятдандир, демаси, бошқа биров бу номаъқулчиликни айтмайди.

Олинган тирноқ ва сочларни кўмиб юбориш тавсия қилинади. Бирор овлоқроқ жойга ташланса ҳам бўлади. Лекин таҳоратхона ёки ғусл қилинадиган жойга ташлаб бўлмайди.

6. «Бўғинларнинг бужмайган жойларини яхшилаб ювиш»

Бунда инсон баданининг кир тўпланиб қоладиган: бўғинлар, киндик, қўлтиқ каби жойлари кўзда тутилган. Албатта, бундоқ жойларни яхшилаб ювилмаса, кир тўпланиб одамдан нохуш ҳид чиқиши, тўпланган ифлосликлар касаллик келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

7. «Қўлтиқ (туки)ни юлиш»

Қўлтиқ остида юнг ўсиши ҳар бир одам боласида бор нарсаси. Шу билан бирга қўлтиқ энг кўп терлайдиган ва энг кўп кирлайдиган жой. Шунинг учун шахсий озодалиқ масаласида бу жойга алоҳида эътибор берилади. Мусулмон одам қўлтиғи остидаги югни тез-тез тозалаб туриши лозим. Бу шариатнинг амри. Бир эмас, барча анбиё ва расулларнинг суннати. Аллоҳ таоло яратган асл хилқатнинг суннати. Аллоҳ таоло юборган самовий динларнинг суннати. Қўлтиқни тозалаш фақат унинг югини юлиш билан бўлмайди. Балки ўша югни қириш ёки бирор юнг туширадиган модда ила тушириш ҳам жоиз.

8. «Қовуқ (туки)ни қириш»

Бунда инсоннинг жинсий аъзоси атрофидаги юнглари кетказиш кўзда тутилган. Бунда ҳам ўша ҳаром юнглари қириш шарт эмас, балки, ҳар қандай қулай услуб билан кетказилса бўлаверади. Мазкур жойларни озода тутиш ҳар бир эркагу аёлнинг соғлиги, ҳаёти учун нақадар муҳим эканлигидан динимизда бу масалага алоҳида эътибор берилган.

9. «Сув ила истинжо қилиш»

«Истинжо» деб инсоннинг икки чиқарув аъзосини сийдик ва ахлатдан тозалашга айтилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, албатта, олдин тош билан тозаланиб олиб, кейин сув билан истинжо қилганлар.

10. «Мисъаб: «Ўнинчисини унутдим, менимча, оғизни сув билан тозалаш бўлса керак», деди».

Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийларидан бирлари Мисъаб розияллоҳу анҳу «фитрат суннатлари»нинг ўнинчисини унутиб қўйган эканлар. Омонатга хиёнат қилмай очиғини айтганлар ва кейин ўз тахминларини, «менимча, оғизни сув билан тозалаш бўлса керак» деб баён қилганлар. Бу иш мисвоққа қўшилиб кетишини эътиборга олсак, ўнинчи нарса бошқа бир амал эканлиги эҳтимоли кучаяди.

Уламо аҳли ўша ўнинчи нарса хатна қилишдир, дейдилар. Чунки бошқа ҳадиси шарифларда айнан хатна Фитрат суннатларидан эканлиги таъкид билан айтилган.

Хатна қилдириш суннатдир. Суннат бўлганда ҳам Исломнинг шиорларидан, хусусиятларидан бири саналган суннатдир. Агар бир юртнинг одамлари хатнани тарк қилишга келишган бўлсалар, Ислом давлати бошлиғи уларга қарши уруш эълон қилади. Ўғил болаларни кичиклик чоғида хатна қилдириш мусулмон халқларнинг тарк қилмайдиган одатига айланганлиги яхши иш.

Хатнада закарнинг уч қисмини қоплаб турган юмшоқ тери кесилади. Ўша терини арабчада «қалафа» дейилади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича боланинг ҳолига қараб хатнани кўтарадиган бўлганда қилинади. Етти кунлик болани хатна қилиш шарт эмас.

Шунингдек, заифлиги учун хатнага чидай олмайдиганларни ҳам хатна қилинмайди.

Хатна қилинмаган одам вафот этса, уни хатна қилинмайди.

Хатна ҳолида туғилган болани хатна қилинмайди. Агар хатна қилиниши лозим бўлган жойида баъзи бир тери бўлса, уни олиб ташлаб лозим бўлади.

Хатначининг айби билан хатна қилинган шахсга талофат етса, товон тўланади.

Хатна муносабати ила маросим қилиш машруъдир. Ўғил болаларнинг хатнасини изҳор қилиш суннат.

Ёшлигида хатна қилдирилмаганларни ҳам, шариат ҳукмларини бузмаган ҳолда, кейинроқ бўлса ҳам, хатна қилдириш уламо аҳли томонидан тавсия қилинади.

Манба: hadis.islom.uz

